БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 89 (1867) | 5 май, жума, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

БУГУН СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ



В. И. Ленин «Правда» газета редакциясида ишчи мухбирлар билан суҳбатлашмоқда.
РСФСР да хизмат кўрсатган санъат арбоби П. Васильев ишлаган расм.
(ТАСС фотохроникаси).

МАТБУОТИМИЗ ЯНАДА ЖАНГОВАР, ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

М. А. АБДУРАЗЗОҚОВ,

Ўзбекистон КП Тошкент область Комитетининг биринчи секретари.

Бугун халқимиз шонли кунни — совет матбуоти кунини нишонламоқда. Мамлакатимизда «Правда» газетасининг биринчи сони чиққан кун шарафига таъсис этилган бу байрамни ҳар йили нишонлаш традиция бўлиб қолди. Совет матбуоти тарихи партиямиз тарихининг ажралмас қисмидир. Совет матбуоти ҳамиша Коммунистик партия ғояларининг жанговар таргиботчиси, омманинг оташин агитатори ва ташкилотчиси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Россияда ишчилар ҳаракати бошланиши билан вужудга келган бу матбуот Ленин партияси билан биргаликда катта ва шонли йўл босиб ўтди, дунёда энг оммавий ва энг таъсирли матбуотга айланди.

1961 йилнинг баҳори улуғ Ватанимиз ҳаётида илҳомлантирувчи ижодий меҳнат зафарлари билан, ажойиб воқеалар билан нишонланди. Совет халқи Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги марралар сари дадил олға бормоқда.

12 апрелда космосга ичига одам тушган «Восток» кема-йўлдош учирилганлиги ва унинг Ерга муваффақиятли қайтиб тушганлиги тўғрисидаги ҳаяжонлантирувчи хабар бутун дунёга тарқалди. Эндиликда биринчи космонавт, совет граждани Юрий Гагариннинг номи бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Бу, совет фани ва техникасининг янги оламшумул ғалабаси, совет кишиси ижодий генийси ва меҳнатсеварлигининг тантанасидир.

Областимиз саноат корхоналарининг коллективлари жонажон Коммунистик партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, I квартал ва апрель ойи планларини ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда энг муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпчилик тури бўйича муддатидан олдин анча ошириб бажардилар.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам ишчилар синфи билан бирга, елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларидан руҳланган колхозчилар ва совхоз ишчилари пахта, луб экинлари ва маккажўхоридан юқори ҳосил олиш, гўшт, сут, жун, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашни қизитиб юбордилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажаришнинг борыши ва Ўзбекистон ССР колхоз ҳамда совхозларининг 1961 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини амалга ошириш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Областимиз колхоз ва совхозларининг азаматлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг 3 миллион 200 минг тонна пахта етиштириш учун курашига катта ҳисса қўшишлари керак, 500 минг тонна «оқ олтин» етиштириш ва давлатга сотиш — областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг шарафли бурчидир.

Матбуотнинг амалий ишларда таъсири қанчалар зўрлигини биз областимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бизда иккита область, 10 та шаҳар, 15 та район, 3 та районлараро газета, 37 та завод ва колхоз кўпгиражли газеталари нашр этилаётир. Корхоналарда, колхозларда, совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида ҳаммаси бўлиб 10 мингдан ортиқ деворий газета ва жанговар варақалар чиқарилаётир.

В. И. Ленин матбуотнинг роли ва аҳамиятини белгилаб айтган эдики, **«Газета — коллектив пропагандист ва коллектив агитатор-гина эмас, айни замонда коллектив ташкилотчи ҳамдир»**. Матбуотга улуғ Ленин томонидан берилган бу юксак баҳо ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини сира йўқотгани йўқ. 1959 йилнинг ноябрь ойида, Кремлда ўтказилган журналистларнинг қабул маросимида Н. С. Хрушчев бундай деган эди:

«Матбуотимизнинг кучи, унинг зўр таъсирга эга бўлишининг манбаи у, оммага етказаётган нарсанинг моҳиятидадир. Моҳият эса, партиямизнинг ленинча сиёсатидир, социализм ва коммунизм қуриш тўғрисидаги ленинча идеялардир».

Газеталарни ўқиб совет кишилари мамлакатимизда коммунистик қурилиш кенг авж олганлигини, капитал мамлакатларида синфий кураш кучайганлигини, мустамлака халқларининг миллий озодлик ҳаракати жўш ураётганлигини янада кенг тушуниб борадилар. Газета илғор тажрибалар минбари, партияни халқ билан боғлаб турувчи муҳим воситалардан бири. Матбуот совет кишиларида фидокорлик, янгиликни сезиш, камчилик ва нуқсонларга муросасиз бўлиш ҳислатларини тарбиялайди.

Н. С. Хрушчев совет журналистларининг меҳнатига юксак баҳо берди. Сиз журналистлар, деди у, партиямизнинг содиқ ёрдамчиларигина эмас, балки айнан дастёрлари — партиянинг улуғ иши учун актив жангчилардирсизлар.

Бу баҳо матбуот ходимларини руҳлантиради ва улар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ҳозирги пайтда олдимизда етти йилликнинг учинчи йили планини муддатидан олдин бажариш вазифаси турибди. Бу йилнинг энг асосий марралари КПСС Марказий Комитетининг 1960 йилги июль Пленуми ва 1961 йилги январь Пленумида белгилаб берилди. Мана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун кураш матбуотимизнинг асосий мазмунини ташкил этмоғи лозим. Бироқ шуни унутмаслик керакки, матбуот олдига қўйилган вазифаларни журналистларнинг ўзи муваффақиятли бажара олмайдилар. Илғор тажрибаларни тўла ва ишнинг кўзини билиб ёритмоқ, камчиликларни кескин ва асосли танқид қилмоқ учун саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини матбуотга янада кўпроқ жалб этиш, ҳар бир газета атрофида кенг авторлар активини тўплаш, штатсиз бўлимлар ташкил этиш зарур. Янгийўл район газеталари «Ленинское знамя» ва «Янгийўл», шаҳар газеталари «Ўзбекистон шахтёри», «Ангренская правда», Чирчиқ электркимё комбинатида чиқадиган «Азотчик», «Алмаликсвинецстрой» трестида чиқарилаётган «Настройке», Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхозда чиқарилаётган «Ленинский путь» кўпгиражли газеталари ва бошқа кўпгина редакцияларнинг коллективлари ҳозирги юксак талаблар даражасида ишлаётирлар. Улар газетхонларга саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг муваффақиятлари ҳақида жонли ва қизиқарли ҳикоя қилмоқдалар, йўлчи юлдузларимизнинг илғор тажрибаларини кенг пропаганда қилмоқдалар, камчиликларга қарши кескин курашмоқдалар.

Бироқ ҳамма газеталар редакциялари ҳам ана шундай жанговарлик кўрсатиб ишлаётир, деб бўлмайди. Баъзи маҳаллий газеталар саҳифаси кўпинча мазмунан саёз, суюқ материаллар билан тўлиб чиқади, баъзи редакциялар эса нуқул сводкалар, рақамлар, маълумотлар босиш билан чекланиб қолаётир, кишиларнинг жонли ишини, уларнинг унумли меҳнатини, уларнинг ўй ва режаларини кам ёритаётирлар.

Айрим редакциялар КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида» ҳамда матбуотда, радио ва телевидениеда жамоатчилик асосларини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш учун курашни сусайтириб юбордилар. Бунинг учун даставвал мазкур газета редакциялари айблидирлар. Бунда район партия комитетларининг ҳам катта айби бор. Чунки улар ўз матбуот органларини чинакам жанговар минбарга, сиёсий ва хўжалик вазифаларини ҳал этишда район партия ташкилотининг актив ёрдамчисига айлантириш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилмаётирлар.

«Дуруст, бизнинг матбуотимиз таққослаб бўлмаслик даражада ўсди, бизнинг журналистларимиз камолга етди, лекин камолотнинг чегараси бўлмайди, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — **Шу сабабли, матбуотимиз энг кучли, энг жанговар матбуот бўлиши учун бундан буён ҳам меҳнат қилиш, меҳнат қилиш ва яна меҳнат қилиш керак. Мен ҳаққонийлик ва гоявийлик тўғрисида гапириб ўтирмайман, чунки бизнинг матбуотимиз жаҳонда энг ҳаққоний ва энг гоявий матбуот бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади».**

Н. С. Хрушчевнинг бу кўрсатмаларини ҳар бир совет журналисти, ҳар бир ишчи ва қишлоқ мухбири ҳамиша ёдда тутмоғи лозим.

Матбуотимиз янада жанговор, янада таъсирчан бўлсин!

Н. С. ХРУШЧЕВ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 3 майда Кремлда СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлисининг раиси Анвар Садат бошчилигидаги Бирлашган Араб Республикаси парламент делегациясини қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан Анвар Садат ҳамда Бирлашган Араб Республикаси парламентининг бошқа аъзолари ўртасида самимий ва дўстона суҳбат бўлди.

Суҳбат вақтида Бирлашган Араб Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили М. С. Анвар ва СССР Олий Советининг депутати К. А. Губин ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ КУБА ЁШЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

4 майда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Куба ёш қўзғолончилар уюшмасининг президенти Жоэль Иглесиас (делегация раҳбари), Клаудио Рамос, Нельсон Гутьерес, Андрес Родригес, Эдди Эрнандес ва Мильтон Макдональдлардан иборат Куба ёш қўзғолончилар уюшмаси делегациясини қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан делегация аъзолари ўртасида суҳбат бўлди. Бу суҳбат гоят самимий вазиятда ўтди. Н. С. Хрушчев Кубанинг қаҳрамон ёшларига қизғин салом ва энг яхши истаклар йўллади ҳамда революцион Кубанинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қилинаётган меҳнат ва курашда уларга муваффақиятлар тилади.

Суҳбат вақтида ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов, СССР ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси П. Н. Решетов ва «Комсомольская Правда» газетасининг бош редактори Ю. П. Воронов ҳозир бўлдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР да токчилик ва боғдорчиликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунининг 80 йиллиги ва меҳнат фаолиятининг 67 йиллиги муносабати билан, республиканинг донгдор соҳибкори, Сталин мукофоти лауреати Ризамат Мусамуҳамедов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ПИЛЛА ҲОСИЛИ МЎЛ БЎЛСИН!

Бағдодлик пиллачилардан ўрнак олиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятимизни баҳорги қурт боқиш ҳисобига бажариш учун курашайлик!

☆ ☆ ☆

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Фарғона область, Бағдод районининг пиллачилари бу йил баҳорги қурт боқишда ҳар бир қути уруғдан 65 килограммдан пилла олиш ва давлатга 560 тонна пилла сотиш юзасидан социалистик мажбурият олдилар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бағдод райони пиллачиларининг бу мажбуриятини маъқуллади.

Область ва район партия комитетлари зиммасига Бағдод райони пиллачиларининг бу ватанпарварлик ташаббуси жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамма колхоз ва совхозларда кенг тушунтириш, пиллачиларнинг диққат-эътиборини пилла етиштиришни кўпайтиришга қаратиш, пилладан мўл ҳосил етиштириш юзасидан пиллачилик звенолари ва бригадалари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш, ҳар бир колхоз ва совхозда давлатга пилла сотиш ҳақида олинган социалистик мажбуриятнинг баҳорги қурт боқиш ҳисобига муваффақиятли бажарилишига эришиш мажбурияти юклатилди.

☆ ☆ ☆

Фарғона область, Бағдод райони пиллачиларининг аҳди

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари сингари Бағдод районининг меҳнаткашлари ҳам умумхалқ мусобақасига актив равишда қўшилиб 1961 йилда пахта, чорвачилик маҳсулотлари ва пилла етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олдилар.

Пиллачилик район қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу ерда колхозчилар орасидан ажойиб пилла усталари етишиб чиққан. Бағдодликлар Сорахон Абдуразоқова, Тўпахон Рўзматова, Донохон Юсупова, Бибиойша Шодмонова, Норбиби Ўрмонова каби моҳир пиллачилари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бу ўртоқлар йилига ҳар қути қурт уруғидан юз килограмм ва ундан ҳам ошириб пилла ҳосили олмоқдалар.

Бу йил ҳар бир бригада, ҳар бир колхознинг пилладан мўл ҳосил етиштириш учун яхши шароити бор. Эндиги гап қурт боқиш техникасининг прогрессив усулларидан ва энг яхши пиллачилар тажрибасидан оқилона фойдаланишда қолган.

«Районимиз пиллачиларининг Кенгаши баланд руҳда ўтди, — дейилади шу кенгашда қабул қилинган мажбуриятда. — **биз бу кенгашда етти йилликнинг учинчи йилида 560 тонна пилла етиштиришга қарор бердик. Бу мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ҳар қути қурт уруғидан район бўйича ўрта ҳисобда камида 65 килограммдан пилла оламиз».**

Ҳозир қурт боқишнинг энг масъулиятли даврида. Қуртлар 4—5 ёшда. Майнинг дастлабки кунлариданоқ пилла ўрай бошлади. Бу бағдодликлар учун **зиммага олинган мажбуриятни 15—16 майдаёқ бажариш имконини беради.**

Бағдод пиллачилари ҳосилни қескин кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилашга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Шу мақсадда ҳар бир қути қурт уруғи ҳисобига 300—400 тадан дастлаб тайёрлаб қўйилди.

Кенгашда пиллачиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида давлатга сотилган ҳар қути қурт уруғидан 60 килограммдан ошириб топширилганидан олинган пулнинг анчагина қисмини пиллачиларга мукофот тариқасида беришга қарор қилинди.

Биз, — деб ёзилган мажбуриятда. — **республикамизнинг барча пиллачиларини биздан намуна олиб, бу йил ҳар бир звенода, ҳар бир бригадада, ҳар бир колхоз ва совхозда пилладан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни баҳорги қурт боқиш ҳисобига бажариш учун курашга чақирамиз».**

Тажрибакор пиллачилардан ўрнак олиб

КАЛИНИН. Карл Маркс номли колхоз пиллачилари етти йилликнинг иккинчи йилида 115 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан ўрта ҳисобда 74 килограммдан пилла етиштиришга муваффак бўлган эдилар. Улар бу йил ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида 15 қути кўп ипак қурти боқмоқдалар, унинг ҳар қутисидан олинадиган ҳосилни ўрта ҳисобда 80 килограммданга етказишга аҳд қилганлар.

Колхоз пиллачилари ўзларининг юксак мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги артелининг Дилором Исаева, Раҳима Қодирова Тожи Солихонова, Зарифа Набиева, Соҳиба Ғаниева, Санобар Жалилова сингари ўнлаб илғор пиллачилари етти йилликнинг учинчи йили баҳорида ҳар қути ипак қуртидан 100—110 килограммдан пилла ҳосили олишга сўз бердилар.

Колхозда ипак қуртига мўл-кўл озуқа базаси яратиш ишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Мавжуд 13 гектар ердаги тутзор сифатли шудгорланди ва суперфосфат билан озиқлантирилди. Бу йил янгидан 5 гектар ерга 12500 туп тут кўчати ўтказилди. Шунингдек, уватлар, йўл ёқалари ва ариқ бўйларига 3 минг туп кўчат ўтказилди.

Кўрилган бу тадбирлар қуртларга вақтида мўл-кўл барг етказиб бериш ва жадал усул билан боқиш имкониятини бераяпти.

Райондаги Хрушчев номли колхоз пиллачилари ҳам мўл пилла ҳосили етиштириш учун қурт боқиш кампаниясини муваффақиятли ўтказмоқдалар.

О. Искандаров,
Т. Расулов,
Ж. Саримсоқов,
С. Сайфиддинов.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ. Райондаги Ворошилов номли колхоз пиллачилари ўтган йили давлатга 7 тонна юқори сортли пилла сотган эдилар. Бу ютуққа улар қуртларни илғор агротехника усулларига тўла риоя қилганлари ҳолда боққанлари натижасида эришган эдилар.

Артелнинг ўртоқ Т. Мухарев бошлиқ пиллачилар бригадасининг аъзолари бу йил 50 қути қурт уруғини яхши парвариш қилиб, ҳар қутисидан ўрта ҳисобда 100 килограммга етказиб пилла олиш учун курашмоқдалар. Илғор пиллачи звеноларнинг қуртлари яқин уч-тўрт кун ичида ипак ўрайбошлайди. Ҳозир дасталар тайёрлаб қўйилмоқда, қуртларни боқиш учун алоҳида уйлар ажратилиб, уларга печлар қурилди ва етарли миқдорда ўтин жамғариб қўйилди.

Шу кунларда колхозда ташкил этилган инкубаторияда қурт уруғлари очирилмоқда.

Қ. Першеев.

ЧИНОЗ. Мавсума опа Ғойипова 10 бола туғиб ўстирган. Партия ва ҳукуматимиз бу ҳурматли аёлга «Қаҳрамон она» деган шарафли унвон берган. Мавсума опа Эски Тошкент қишлоқ Советидаги кинотеатрда кассир ҳамда клуб мудири бўлиб ишлайди. У ўзининг ана шу вазифалари билан чекланиб қолмай, ҳар йили 1—2 қути ипак қурти боқиб, мўл пилла ҳосили етиштиради. Мавсума опа ўтган йили 2 қути ипак қурти боқиб, ҳар қутисидан 75 килограммдан аъло сортли пилла ҳосили олишга муваффак бўлган эди. Қаҳрамон она бу йил ҳам 2 қути қурт уруғини жадал усулда боқаяпти, ундан камида 150 килограмм пилла топширмоқчи.

Й. Уринбоев.

Маккажўхорикорларга мукофотлар

Ўтган йили Тошкент область-ластидаги Юқори Чирчиқ районининг маккажўхорикорлари ажойиб меҳнат зафарларини қўлга киритдилар. Колхозчилар маккажўхорини квадрат-уялаб жойлаштириб, қатор ораларига механизмлар воситаси билан икки томонлама ишлов бериб, 1285 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда думбул сўтаси билан 1077 центнердан кўк поя олдилар.

Хўжаликлардаги маёқлар ва илғор бригадалар бундан ҳам яхшироқ кўрсаткичларга эришдилар. «Политотдел» колхозининг Любовь Ли бошлиқ бригадаси ҳар гектардан 1850 центнердан поя ва 63 центнердан дон олди. «Правда» колхози шартли суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 1826 центнердан, Свердлов номли колхоз — 1760 центнердан, «Гулистон» колхози — 532 центнердан кўк поя ўриб олди.

Ана шу муваффақиятлар учун районнинг энг яхши маккажўхорикорларидан 35 киши СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг медаль ва ёрлиқлари билан мукофотланди. Район партия комитетининг биринчи секретари М. Ким катта олтин медаль билан, Любовь Ли кичик олтин медаль билан мукофотландилар. «Политотдел» колхозининг раиси М. Хван ва «Правда» колхозининг раиси А. Цой катта кумуш медаль билан мукофотландилар. (ЎзТАГ).

Арманистон тантаналарида қатнашиш учун

Республика Олий Совети президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова бошчилигидаги Ўзбекистон меҳнаткашлар делегацияси Арманистон ССР нинг 40 йиллиги байрамида қатнашиш учун 4 майда Тошкентдан Ереванга жўнаб кетди.

Делегация составида Андижон область Чинобод районидаги Ленинград колхозининг раиси А. Қўлдошев, Тошкент область партия комитетининг секретари С. М. Веселовлар бор. (ЎзТАГ).

Илғор тажриба — ишлаб чиқаришга!

Кеча, 4 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлислар залида Тошкент область қишлоқ хўжалик новаторлари ва мутахассислари Кенгашнинг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари область колхоз ва совхозларида барча майдонларда чигитни бир текис ва ёппасига ундириб олиб пахтадан мўл ҳосил етиштириш, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш ва парвариш қилишни ҳам сифатли йўлга қўйиш масалаларини муҳокама килдилар. Ҳозирги куида амалга оширилиши лозим бўлган зарур тадбирлар тўғрисида маслаҳатлашиб олдилар. Суратда: Кенгаш қатнашчиларидан бир группаси. (Кенгаш ҳақидаги батафсил тафсилот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

А. Абалян фотоси.

ПАРТИЯМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛИ

„Газета—коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, айни замонда коллектив ташкилотчи ҳамдир.“

В. И. ЛЕНИН.

* * *

«Матбуот — партиямизнинг энг кучли ғоявий қуролидир. Агар биз газета ва журналларимизнинг материалларини яхши танлар эканмиз, неча минг километр масофадан мўлжални тўғри олабиламиз, бепоён мамлакатимизнинг ҳамма қисмида камчиликларни очиб ташлай оламиз...

Газеталар ишимиздаги камчиликларни ўткирлик билан очиб ташлашлари, нуқсонларни фош қилишлари лозим ва бу ишни шундай уюштиришлари керакки, бунинг натижасида кишилар ана шу камчиликларни йўқотишга сафарбар қилинсин, кенг меҳнаткашлар оммаси соғлом танқидни кучайтиришга отлантирилсин».

Н. С. ХРУШЧЕВ.



Суратда: «Қизил Ўзбекистон», ««Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган босмахонасининг якинда ишга туширилган янги ротация цехида. А. Абалян фотоси.

РОТАЦИЯ ЦЕХИМИЗ

Ҳурматли газетхон! Ҳаётимиздаги кундалик янгиликлар, ер юзининг турли чеккаларида содир бўлаётган муҳим воқеалар билан сизни ўз вақтида хабардор қилиб турадиган газетанинг қандай босилишини биласизми?

— Манд, тасаввур қилинг, бирлашган босмахонанинг ротация цехи. Бу ерга киришингиз билан яқиндагина ўрнатилган қудратли ротацион машина — газета агрегати диққатингизни жалб қилади. Бу янги, ғоят такомиллаштирилган агрегатнинг улканлигига, унинг ишлаб чиқариш қувватининг зўрлигига қойил қоласиз.

Машина 3 қаватга жойлашган бўлиб, ундаги ҳар бир иш процесси механизациялаштирилган. 1-қаватдаги ўроғлиқ қоғоз 2-қаватга автомат равишда узатиб турилади. Шундан сўнг бу қаватда газета босилиб, конвейер орқали 3-қаватга чиқаверади. У ердан эса тўп-тўп тахланиб, тарқатишга тайёрланади. Шуниси диққатга сазоворки, агрегатга саноқ машиналари ҳам ўрнатилган. Нечта газета босилганини машинанинг ўзи кўрсатиб туради.

Агрегатнинг 6 та секциясида бир вақтнинг ўзида 12 хил газетани босиб чиқариш мумкин. Бундан ташқари, унда газетани 2 хил рангда ҳам тайёрласа бўлади. Ҳар қайси секцияда 2 печатник хизмат қилади. Улар фақат зарур кнопкаларни босиб, автомат ишини кузатиб туришади, холос. Умуман агрегат эса электр қуввати билан ишловчи бошқариш пульти билан ҳаракатга келади. Соатига 60 минг дона газета босувчи бу янги қудратли агрегатнинг ишга туширилиши ротация цехида 7 соатлик иш кунига ўтишга имкон берди.

Цехда республика ва область газеталаридан ташқари «Правда», «Известия», «Комсомольская Правда» каби марказий газеталар ҳам босилади. Ротация цехи коллективи партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ҳозир цехнинг 4 та бригадасига коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилган. Бу юксак ном учун кураш тобора қизғин тус олмоқда.

Н. НАСИМОВ.

БИРИНЧИ ЎЗБЕК МАТБААЧИСИ

Элмуроднинг Москвада матбаачилар малакасини ошириш курсида ўқиб, Нукусга қайтиб келганига бир ҳафтача бўлиб қолди-ку, лекин унинг Москва, Тошкент ҳақидаги ҳикоялари сира тугамасди. У, Ватанимизнинг муътабар даргоҳи — Москванинг кўринишлари, тарихий ёдгорликлари, кишилари, айниқса босмаханалари тўғрисида ҳаяжонланиб гапирар, тингловчиларни қайратлантирар эди. Элмурод Москва ва Тошкентдаги янги гигант ротацион машинани тасвирлаб, бу машинанинг ҳар бири бир соатда 50 — 60 минг газетани босиб чиқарар экан, деганда нукуслик касбдошлари ҳайратда қолишди.

— Юсуф отангни кўрдингми, соғ-саломат юриптиларми? — сўрашди касбдошлари Элмуроддан.

— Тошкентга атайин ўша кишини кўргани тушдим-да, — деди Элмурод. — Устознинг уйларида меҳмон бўлдим. 72 га чиққан бўлсалар ҳам ҳали тетик, бардамлар. Ўзбекистонда матбаачиликнинг ривожланиши ғўғрисида китоб ёзаётган эканлар. Бизнинг ишларимизни сўрадилар, айтиб бердим, ҳаммангларга салом айтдилар...

Элмурод ким? Юсуф ота чи? Элмурод Турдимуродов Нукус давлат босмахонасининг ходими, тошкентлик Юсуф отанинг шогирдларидан бири. Юсуф ота Мусамуҳамедов эса биринчи ўзбек матбаачиси, республикадаги деярли кўпчилик босмаханаларни ускуналаш ва ишга туширишда қатнашган, ўзбек матбаачилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган киши, ҳозир шахсий пенсионер.

Юсуф отанинг Элмурод сингари шогирдлари жуда кўп. Ахир бир соҳада 57 йил муттасил ишлаган, ўнлаб босмаханаларни ташкил этган, ёшларга меҳр-муҳаббат билан ҳунар ўргатишдан ҳузур қиладиган кишининг шогирди оз бўладими!

Матбуот куни арафасида биз Юсуф ота билан учрашиб, суҳбатлашдик. У бизга сўнгги кунларда олган телеграммаларини, табрик хатларини кўрсатди. Республикамизнинг ҳамма областларидан, Қорақалпоғистондан, Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистондан отанинг собиқ шогирдлари, босмахона коллективлари традицион байрам билан қутлаб, кекса матбаачига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва янада саодатли турмуш кечиришини тилаганлар.

Ҳа, Юсуф ота кўпчиликка маълум ва машҳур. Юксак ҳурматга лойиқ одам. Улуғ Октябрь революциясигача рус революционер матбаачиларидан таълим олган ва ҳунар ўрганган, қуролли қўзғолонларда фаол қатнашган ўзбек совет матбаачилигини ташкил этишда зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатган Мусамуҳамедов матбаачилик ишининг энг етук усталаридан биридир. У ҳарф теришда, цинкография, стереотип тайёрлаш, газета, журнал ва китобларни верстка қилишни мукаммал эгаллаш билан бирга босмахона машиналарининг деярли ҳар қанақасини монтаж қилаолади, бузилса тузата олади.

Тажрибали мастер Мусамуҳамедов босмахона ишига доир учта қўлланма-китобнинг автори ҳамдир. Унинг бу китоблари босмахона ишчилари ва ходимлари учун қимматли дастур бўлди. Ҳозирги пайтда Юсуф ота тўртинчи китоб — «Республикада матбаачиликнинг ривожланиши» асарини ёзаётир.

— Бошқа соҳалар сингари нашриётлар, босмаханалар ҳам жуда тез гуркираб ўсаётир, — дейди Юсуф ота. — Яқиндагина ҳарфлар қўлда терилар эди. Стереотип тайёрлайдиган, клише ясайдиган, газета ва журнал босадиган машиналарнинг иш унуми айтарлик юқори эмас эди. Ҳозир эса босмахонадаги ҳамма ишлар машиналашган, конвейерлашган. Дастлаб биз ишлаган дастгоҳлар аллақачон музей ёдгорлиги бўлиб қолди.

Тўғри, эски дастгоҳлар экспонат бўлиб қолди. Аммо ўша дастгоҳларда ишлаганларнинг, совет матбуотига узоқ йил самарали меҳнат қилган Юсуф оталарнинг меҳнати асло унутилмайди.

О. АБИЗОВА,
пенсионер.

ИСТАРДИККИ...

Болалар — бизнинг келажагимиз. Ҳар бир ота-она катта умид билан фарзанд ўстирар экан, унинг илмли, меҳнатсевар бўлиб етишишини орзу қилади. Шунинг учун бола тарбияси энг муҳим ҳаётий масалалардан биридир.

Матбуот — ана шу масалаларни кенг пропаганда қилувчи минбардир. Чунки, ота-оналар матбуот материаллари орқали бола тарбиясига оид кўпгина масалаларни билиб оладилар ва кўпинча унга риоя қиладилар. Тўғри, «Тошкент ҳақиқати» ҳам ота-оналар учун бола тарбиясига доир бир қанча материалларни босиб чиқарди. Лекин, очиғини айтиш керакки, бу ҳали етарли эмас. Газета саҳифаларида атоқли педагоглларнинг маслаҳатлари, айрим онлаларнинг кўпчиликка намуна бўладиган ишлари ҳақидаги материаллар ҳам тез-тез бериб борилса, чакки бўлмасди.

С. ОДИЛОВА,
кўпболали она.

* * *

Тошкент — Ўрта Осиёнинг йирик илмий ва маданий маркази бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам қайси бир илмий-текшириш муассасасида бўлманг, доим бир муҳим янгиликнинг гувоҳи бўласиз. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий-текшириш институтларида, бошқа илмий муассасаларнинг лабораторияларида кунда-кунаро бирор кашфиёт, халқ хўжалиги аҳамиятига молик илмий тадқиқот натижаси маълум бўлиб туради.

Ана шу қўлга киритилаётган ютуқларни меҳнаткашлар ўртасида кенг оммалаштиришда матбуотнинг роли бениҳоя катта. Шунинг учун ҳам биз, олимлар ўз меҳнат самараларимиз ҳақидаги материалларнинг газета ва журнал саҳифаларида тез-тез ёритилишини истар эдик. «Тошкент ҳақиқати» ҳам шу масалага эътиборни кучайтирса.

Т. ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор.

ИСТАРДИККИ...

Етти йилликнинг зарбдор қурилишларидан бири — Оҳангарон цемент заводини бунёд этаётган бинокорлар ҳаётини кейинги пайтда матбуот бир мунча изчил акс эттира бошлади. Лекин бу ҳали оз. Биз газета ва журналларимизда мамлакатимизнинг турли жойларида барпо этилаётган янги-янги заводлар, фабрикалар, ГЭСлар ва турли хил иншоотлар қурилиши ҳақида, чет элларгаги қатта қурилишлар, айниқса қурилиш техникаси янгиликлари ҳақида қизиқарли мақолаларни тез-тез ўқиб туришни истаймиз.

Қурилишда ишлаётган илғор ишчилар ҳамда инженер-техник ходимларнинг иш тажрибаларини ўртоқлашишга қаратилган чиқишлар уюштириб турилса, янада яхшироқ бўларди.

Т. СОИНАЗАРОВ.
Оҳангарон цемент заводини қураётган 1-қурилиш бошқармасининг ишчиси, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси.

* * *

«Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида илғор пахтакорларимизнинг бой тажрибаларини ёритувчи, айрим хўжаликларда йўл қўйилаётган камчиликларни фош қилувчи хилма-хил мақолалар босилаяпти. Юқори ҳосилли колхозларнинг раислари, донгдор бригадирлари — йўлчи юлдузларимиз ўзлари эришаётган ютуқларнинг «сири» ҳақида сўзлаб беришмоқда. Бу яхши.

Бироқ, қишлоқ хўжалигимизнинг асосий тармоқларидан бири бўлган сабзавотчиликка газета саҳифаларида етарли ўрин берилмаяпти. Агар газетада шаҳар аҳолисини мўл-кўл сабзавот ва картошка маҳсулотлари билан таъминлашда жонбозлик кўрсатиб ишлаётган сабзавотчилар ҳақида, йўл қўяётган камчиликларимиз ҳақида изчиллик билан мақолалар бериб борилса айни муддао бўлур эди.

Н. МУҲИТДИНОВ,
Оржоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхозининг бригада бошлиғи.

БИЗ ҲАМ КЎМАКДОШМИЗ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўпминг кишилик коллективи етти йиллик программани, жумладан 1961 йил планини ҳамма кўрсаткичлар бўйича муддатидан олдин бажариш учун астойдил курашмоқда. Комбинат фабрикалари ва цехларида коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори номини олиш учун мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

Комбинатда чиқарилаётган «Тўқимачилар овози» ва «Голос текстильщика» кўптиражли газеталари, «Советский текстильщик» ва «Крокодил» деворий газеталари ҳамда фабрика, завод, цех ва участкаларда чиқарилаётган 80 га яқин деворий газеталар коллектив олдида турган вазифаларни унаффақиятли бажаришга ёрдам бераётир. Коллектив ва индивидуаль мусобақанинг боришини, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини, белгиланган техникавий тадбирларнинг амалга оширилишини, оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволини илғорлар тажрибасини кенг ёритиш, ишдаги камчиликларни принципиаллик билан танқид қилиш газеталарнинг доимий ва асосий ишидир.

Биз, комбинат матбуотчилари ўз зиммамиздаги ана шу масъулиятли ва шарафли вазифани бошланғич партия ва комсомол ташкилотларига, актив ишчи-мухбирларга таянган ҳолда иш тутсакина кўнгилдагидек бажаришимиз мумкинлигини тушунамиз. Шунинг учун ҳам биз матбуотнинг, жумладан газетамизнинг чинакам оммавийлиги учун курашяпмиз. Яъни унда ишчилар, мастерлар, инженер-техник ходимларнинг кўпроқ қатнашишига эришиш масаласига катта эътибор бериб келмоқдамиз.

Ҳозир деворий газеталар редколлегияларининг деярли кўпчилик аъзолари, талайгина ишлаб чикариш илғорлари, партия ва комсомол активлари газетамизга мунтазам ёзиб турибдилар. Доимий қатнашадиган мухбирларимиз сони юз кишидан ошиб кетди. Ҳамма фабрика ва асосий цехларда мухбирлар пости ташкил этилган. Уларга вақти-вақти билан методик ёрдам бериб турамиз, семинарлар ўтказамиз.

1-тўқув фабрикаси механика устахонасининг бошлиғи С. Содиқов, шу фабрикадаги мастер ёрдамчиси Т. Исҳоқов, 3-йигирув фабрикасининг мастер ёрдамчиси М. Шабаев газмолга гул босиш фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Б. Зокиров новатор ишчилардан С. Пўлатова, О. Солиев, Х. Нурхонова, М. Раҳматуллаевалар мухбирлар постида тарбияланиб чиққан, ҳозир дуруст нарсалар ёзаётган мухбирларимиздандир. Шуларнинг ташаббуси ва кучи билан бир неча марта оммавий рейдлар ўтказилди. Рейд материалари газетада босилиб чиққач, партия ташкилоти томонидан муҳокама қилинди ва камчиликлар тузатилди.

Биз мухбирлар билан ишлашни, уларнинг сафини тобора кенгайтира боришни бундан буён ҳам сира бўшаштирмаймиз. Чунки газетамизнинг обрўсига-обрў қўшадиган шулардир.

Р. ИБРОҲИМОВ,
«Тўқимачилар овози» кўптиражли газетасининг масъул секретари.

☆ ☆ ЁШ ҚИШЛОҚ МУХБИРИ

Баҳор кунлари эди. Мактаб комсомоллари ажойиб ташаббус кўрсатиб, ўз ҳоҳишлари билан район марказига 3000 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздилар. Бунга ўша вақтда мактаб бошланғич комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлаётган 8-синф ўқувчиси Тўхташ Қосимов раҳбарлик қилди.

«Бу ҳақда газетага ёзиб, комсомолларимизнинг руҳини кўтарсам қандай бўлар экан?» — ўйлади Тўхташ ва эртасига район «Пахта учун кураш» газета редакциясига биринчи ёзган хабарини олиб келди.

— Кўчат ўтқазишда кимлар жонбозлик кўрсатди, неча туп дарахт ўтқаздиларинг, яна неча туп ўтқазмоқчисизлар? Бу ҳақда ҳеч нима демабсиз-ку! Ана шуларни аниқлаб, мақолангизни қайта ишлаб олиб келинг. Кейин, албатта, газетамиз саҳифасида чиқарамиз, — маслаҳат берди газетанинг масъул секретари А. Абдулҳакимов.

Орадан уч кун ўтгач, «Пахта учун кураш» газетасининг иккинчи саҳифасида «Бизга хабар қиладилар» рубрикаси остида Т. Қосимовнинг биринчи мақолачаси «Комсомоллар ташаббуси» деган сарлавҳа остида босилиб чиқди.

Дастлабки муваффақият Тўхташни руҳлантириб юборди. Бирин-кетин мактаб ҳаётига оид хабарлари газета саҳифаларидан ўрин олабошлади.

— Фақат мактаб ҳақида ёзиш билан чекланиб қолманг, — дейишди редакция ходимлари унга. Бўш вақтингизда пахта далаларига чиқинг, завод ва корхоналарга боринг. У ерда ишлаётганлар ҳаётидан ҳам хабарлар ёзиб туринг.

Тўхташ редакция ходимларининг маслаҳатларини диққат билан эшитди, ўз устида қунт билан ишлади, колхоз, совхоз далаларига чиқди. Корхона ва заводларга бориб, у ердаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида мунтазам хабар ёзиб турди. Шунинг учун ҳам тез орада у район газетасининг актив мухбирларидан бири бўлиб қолди.

Область аҳамиятига эга бўлган янгиликлар ҳақида «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига хабар қилиб туради. Район комсомоллари ҳаёти тўғрисида «Комсомолец Узбекистана», «Ёш ленинчи» газеталарига ҳам материаллар юбориб турди. Бу орада Тўхташ фотографияни ҳам ўрганиб, райондаги илғор кишиларнинг фотосуратларини область ва республика газеталарига юорабошлади.

Ҳозир ёш қишлоқ мухбири Қосимов Пискент район пионерлар уйи фото тўгарагининг раҳбари бўлиб ишлаяпти. Шунингдек, у районлараро «Пахта учун кураш» газетасининг штатсиз фото мухбири ҳамдир. 1960 йилда уни СССР журналистлар союзи аъзолигига қабул қилишди.

А. ҒОЗИХОНОВ.

МУХБИРЛАР ЙИҒИЛИШИ

Калинин район «Ленинчи» газетасининг ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳамда саноат корхоналари, муассаса, колхоз, совхозларда чиқариладиган деворий газеталар редакторларининг семинари ўтказилди.

Семинарда «КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажариш учун курашда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг ҳамда деворий газета редакторларининг вазифалари» деган темада «Ленинчи» газетасининг редактори С. Каримов доклад қилди.

«Москва» колхозидаги «Колхоз кучи» деворий газетасининг редактори С. Комилов, 7-ғишт заводи «Стройматериали» деворий газетасининг редактори Н. П. Степанов, ишчи ва қишлоқ мухбирларидан Т. Расулев, Т. Шоисмоилов, Х. Иброҳимов ва бошқа ўртоқлар ўз фаолиятлари ва тажрибаларидан гапириб бердилар.

Семинар қатнашчилари деворий газеталар виставкасига қўйилган «Колхоз кучи», Собир Раҳимов номли, Охунбобоев номли колхозларда чиқариладиган «Колхозчилар овози», «Ғалаба» газеталарини зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Семинарда район газетаси ва деворий газеталар ишини янада яхшилашга, уларнинг жанговарлигини оширишга доир қимматли таклифлар киритилди.

А. БИЛОЛОВ.

Ўткир РАШИД.

„ПРАВДА“

Эй, шонли «Правда»,
Машъал «Правда»,
Сен ҳақ қонунисан,
Ҳаётга маёқ.
Ҳар миллат-у, ҳар эл,
Ҳар бир рўзғорда
Қадрлисан, энг азиз,
билимли ўртоқ.
Коммуна йўлида
Йўлчи юлдуздек,
Ярқираб кўриндинг,
бўлдинг сафга бош.
Кўрсатдинг элларга
ҳақиқат йўлин,
Ҳаётда сен бизга
бўлдинг эмакдош.
Курашга йўллади
Бизни ҳар сўзинг.
Оламни ойнадай
Кўрсатдинг ҳардам.
Турмуш китобини
Ўқитдинг ўзинг,
Ҳақу-ҳуқуқини
таниди одам.
Ишонч ва ирода
бўлди зўр ярағ,
Ҳар сўзинг тиғ бўлди,
душманга санчдик.
Зафарга бошладинг
бўлиб ол байроқ.
Жангларда шон қучиб,
ёвларни янчдик.
Сўзинг маромида,
ҳар хитобингда,
Эшитилар улуғвор
партиям сўзи.
Сенинг тарихингни
эслаганимда
Кўринар кўзимга
Ленининг ўзи.
Эй, кекса «Правда»,
Доно «Правда».
Сен ҳақ қонуписан,
элларга маёқ.
Ўзбек уйида ҳам
Ҳар бир рўзғорда
Қадрлисан энг азиз,
Билимли ўртоқ.

ШТАТСИЗ МУХБИРИМИЗ

Космосга биринчи бўлиб совет граждани Ю. А. Гагариннинг учганлиги ва эсон-омон Ерга қайтиб тушганлиги ғўғрисидаги хушхабар ҳаммани ҳаяжонга солди. Шу муносабат билан газетанинг навбатдан ташқари сонини чиқариш лозим бўлиб қолди. Кўп ўтмай, секретарнинг столи устида бу ажойиб воқеага бағишланган репортаж, фотоочерк, мақола, хабарлар пайдо бўлди.

— Жуда соз, — дерди масъул секретарь ҳар бир материалнинг шифри квадратини ёзиб, теришга туширарқан. — Мана бу ерга бир қоғоз нарса етишмай турибди-да. Агар бирор ишчининг икки оғиз қалб сўзи бўлса, айни муддао бўларди.

— Ҳозир якиндаги заводлардан бирига бориб келамиз, — деб жавоб берди адабий ходим.

— Оқ йўл бўлмаса.

Бироқ, адабий ходим кўп ўтмай, изига қайтди.

— Нега мунча тез? — ҳайрон бўлиб сўради масъул секретарь.

— Ишимиз ўнгидан келди, — адабий ходим секретарнинг қўлига бир варақ қоғоз узатди. — Қани ўқиб кўринг-чи, «географияси» тўғри келармикин.

Масъул секретарь хабарни ўқиб чиқди. Хатда Янгийўл консерва заводининг ишчиси ўртоқ Р. Муртазиниинг фазога биринчи бўлиб совет кишиси учганлиги муносабати билан юрак сўзлари изҳор қилинган эди. Хабар тагига «уюштирувчи Б. Мирзааҳмедов» деб имзо чекилган.

— Баракалла, мухбир деган мана шундай ҳозиржавоб бўлиши керак, — деди масъул секретарь. — Тўғри келади. Кўчиртиришга бераверинг. Ҳа айтгандай, қаердан олдингиз ўзи қани, раҳмат айтиб қўйиш керак.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

Ўрта бўй, чувак юзли, қорачадан келган бу қотма йигитнинг исми-фамилияси газетхонларимизга кўпдан буён таниш. Белги Мирзааҳмедов деярли 1957 йилдан буён матбуотда актив қатнашиб келмоқда. У қишлоқ мухбири сифатида ўз билимини малакасини ошириш устида қунт билан ишлайди. Шунинг учун ҳам газетага кўпроқ нималар тўғрисида ёзиш керак, қайси тема актуал ва газетхонлар учун янгилик бўлишини ҳисобга олиб иш тутади. Ундаги мухбирга хос энг яхши фазилатлардан бири шуки, партия ва ҳукуматимизнинг халқ хўжалигини, фан ва маданиятимизни янада ривожлантиришга қаратилган бирор янги қарори эълон қилинса, жойларда кишиларнинг ана шу қарорга жавобан қилаётган ишлари, юрак сўзларини дарров илиб, ўқиб олади ва бу ғўғрида газеталарнинг топшириқ беришини кутиб ўтирмасдан ўзи хабар, мақола ёки репортаж ёзиб келтиради.

Мирзааҳмедов газетага ёзадиган хабарларининг факти аниқ, тили равон, оммаўнун тушунарли бўлиши устида эринмай ишлайди. Ёзган мақоласи то ўзига маъқул бўлмагунча редакцияга юбормайди.

Масалан, унинг кейинги бирнеча йил ичида ёзган «Уч йилдан буён қурук гап», «Планни тўлдираётирмиз-ку», «Санайберсак камчилик кўп» деган танқидий мақолалари, рейд материаллари жуда таъсирли ва ўқимишли чиққан. Бу мақолаларида Янгийўл ёғ заводи, 28-автобаза ҳамда саноп-жут заводидаги қатор камчиликлар танқид қилинган эди. Шундан сўнг мазкур корхоналарда текшириш ўтказилди, камчиликни бартараф қилиш юзасидан зарур тадбирлар кўрилди.

Унинг «Ҳозирги беғамлик — кузги пушаймонлик» сарлавҳали мақоласида кўклам экишига тайёргарлик қониқарсиз, эканлиги очиб ташланган эди. Ҳозир ана шу Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида чигит экиш ишлари муваффақиятли тугалланиб, ғўза парваришини қизитиб юбориш чоралари кўрилмоқда. Унда хаталарни вақтида кўрсатиб берган қишлоқ мухбирининг оз бўлсада қўшган ҳиссаси бор.

Белги Мирзааҳмедовнинг «Белдашганлар», «Пахтазордаги мард қизлар», «Пок номга муносиб ёшлар» сарлавҳаси остида газетамиз саҳифаларида босилиб чиққан зарисовка ва лавҳалари ҳам ёш мухбирнинг маҳорати ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Штатсиз мухбиримиз Б. Мирзааҳмедов ҳозирги вақтда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг аспирантурасида ўқимоқда. Шу билан бирга, у ўзи яшаб турган Янгийўл районида, Фрунзе номли колхозда жамоат ишларида ҳам актив қатнашади, у ерда оммавий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилишида колхоз правлениесига яқиндан ёрдам беради. Янгиликлардан газетхонларни ўз вақтида хабардор қилиб туради. Шунинг учун ҳам колхозчилар «бизнинг мухбиримиз» деб уни ҳурмат қилишади.

Н. РИХСИЕВ.

Ю. МУСАМУҲАМЕДОВ.

ҲАР ТУП ҒЎЗАНИ АВАЙЛАБ, МЕҲР БИЛАН ПАРВАРИШ ҚИЛАЙЛИК!

ШУ ҲАМ ИШМИ?

Шу кунларда Бекободга бориб бозор айлансангиз, ранжийсиз, холос. Картошка сотиладиган жойдаги тўс-тўпалон ҳаммасидан ўтиб тушади. Алла қайси район ва шаҳарлардан келган олибсотарлар бозорни бошига кўтариб қийқиришади.

— Кеп қолинг, килоси 35 тийин!

Чайқовчининг «саҳийлиги» одамларни ўзига тортади. Харидорлар 40 тийинлик картошкани ташлаб, шу томонга ёпирилишади. Булар орасида шаҳарнинг ишчи ва хизматчиларигина эмас, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари ҳам бор. Айниқса, ана шуниси кишини ажаблантиради.

Хўш, колхоз ва совхозлар картошка экмайдими? Нега деҳқонлар шаҳарга келиб, бозордан сабзавот маҳсулотлари сотиб оладилар? Ана шу ҳақда қисқача мулоҳаза юритайлик. Дзержинский номли колхоз бухгалтериясидаги бир дафтарга кўзимиз тушди. Унда кайд қилинишича ўтган йили колхоз бозордан 12 минг 720 килограмм картошка сотиб олган. Раҳбарларнинг изоҳ беришига кўра, бу иш пахта терими вақтида бўлган экан. Дафтардаги числолар ҳам буни тасдиқлайди. Худди шу ўринда қизиқ бир савол туғилади: колхоз куз пайтида, яъни ўзи эккан сабзавот экинлари гарқ пишган даврда шунча картошка сотиб олган экан, кўклам ва ёзда аҳвол қандай бўлган? Эҳтимол минглаб сўм пул сарфланиб, уруғлик ҳам сотиб олингандир?

Худди шундай бўлган. Бутун қиш, кўклам, ёз бўйи колхоз қозонида бошқа жойлардан келган картошка қайнаган. Энди гапнинг очиғини айтиш керак. Бундай аҳволнинг юз беришига сабабчи ким? Агар суриштирсак, айбдорлар кўп. Шаҳарком секретарларидан, райижроком раҳбарларидан қайси бирининг фамилиясини атаб, бунга шулар сабабчи десак, янглишмаймиз. Бироқ, ҳаммадан кўпроқ колхоз раҳбарлари айбдор, раис ўртоқ Шукуралиев айбдор. Улар ўз колхозлари учун бошқалардан кўпроқ жон куйдириши керак-ку?

1960 йилда колхоз 90 гектар ерга картошка ва сабзавот экинлари экиши керак эди. Бу план бажарилмади. 18 гектар ерга картошка, 19 гектар ерга сабзавот экинлари экилди. Бунинг устига шу майдонлардан ҳам мўл ҳосил олинмади. Экинлар вақтида парвариш қилинмади. Ўт босиб кетди, чанқаб қолди. Бунга раиснинг ҳам, бошқаларнинг ҳам юраги ачишмади. Негаки, сарф учун харажатлар уларнинг чўнтагидан чиқмаган-да! Оқибатда картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун жами 185 минг 764 сўм сарфланди. Бу экинлардан олинган даромад эса фақат 137 минг 350 сўмни ташкил қилди. Демак, колхоз бу экинлардан фойда эмас, зарар кўрди. Оз ҳам эмас, салкам 50 минг сўм зарар кўрди.

1-«Далварзин» совхозида бундан ҳам хунукроқ аҳвол юз берган эди. Бу хўжалик 3 гектар ерга картошка экиб, ҳар гектар ердан ақалли бир центнердан ҳам эмас, бор-йўғи 67 килограммдан ҳосил олди. Сабзавот, полиз экинларидан ҳам ана шундай кам маҳсулот етиштирилди. Оқибатда бир центнер картошканинг таннархи пландаги 92 сўм 80 тийин ўрнига 500 сўмга, бир центнер қовун-тарвузнинг таннархи эса 11 сўм ўрнига 42 сўмга тушди.

Илғор хўжаликлар ҳар гектар ердаги қовун-тарвуздан 250—300 центнердан ҳосил олмоқдалар. Бироқ, 1-«Далварзин» совхозида бундай илғор хўжаликларга қараганда 25—30 баравар кам, яна ҳар гектар ердан 9 центнердан ҳосил етиштирилди. Бундай кам ҳосил олишнинг 2 та сабаби бўлиши мумкин: ё бу экинлардан мўл ҳосил олингану, унинг талон-торож бўлишига йўл қўйилган ёки уруғ ерга ташлангану, бошқа ҳеч қандай иш қилинмаган. Шуниси аниқки, ундай бўлганида ҳам, бундай бўлганида ҳам барибир совхоз раҳбарлари айбдор. Улар хўжаликнинг ҳамма тармоқларини ривожлантириш учун курашмаганлар. Партия Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари нуқтаи-назаридан қараганда, улар нўноқлик, уқувсизлик қилганлар.

Хўш, Бекободда бу йил аҳвол қандай? Район раҳбарлари, колхоз ва совхозларнинг бошлиқлари ўтган йилги хатоларни тушуниб олганларми? Ишнинг ҳозирги боришига қараб бу саволга йўқ деб жавоб берса бўлади. Район бўйича полиз ва сабзавотчилик билан шуғулланувчи «Ширин» совхози билан биргаликда 59 гектар ерга сабзавот экилган. Сабзавотчиликка фақат Навоий номли колхоз раҳбарлари дурустроқ эътибор беришяпти дейиш мумкин. Ҳозир шаҳар бозорида бу колхоз етиштирган кўк пиёз, редиска сингари маҳсулотлар сотилмоқда. Қолган ҳамма хўжаликларда картошкага ҳам, сабзавотчиликка ҳам, полиз экинларига ҳам жуда ёмон эътибор берилмоқда. Совхозларда, шунингдек «Победа» колхозида ақалли бир гектар ерга ҳам картошка экилмаган.

Район статистика бошқармасидаги ўртоқларнинг бир гапи эътиборни жалб қилади. Улар колхоз ва совхозларга картошка экиш бўйича план берилмаган, ҳар қайси хўжалик ўз эҳтиёжи, имкониятига қараб кетаверади дейишади. Ҳар бир хўжалик ўзига керакли миқдорда картошка етиштиришни сўзсиз таъминласа яхши бўлади, бироқ, ҳозир бундай бўлишига ақл бовар қилмайди. Дзержинский номли колхоз икки гектар ерга картошка экипти. Эҳтимол колхоз раҳбарлари кечки картошкани кўпроқ экамиз дейишар, ундай бўлса кечки ҳосил пишиб етилгунча яна бозордан картошка сотиб олинадими? Колхоз 120 тонна уруғлик картошкага пул тўлаб қўйган эмиш. Агар ўтган йили бу экинга яхши эътибор берилганида, уруғлик ҳам колхознинг ўзидан чиқарди. Бу йилги ишнинг бориши келгуси йилда ҳам колхоз ўз уруғлигига эга бўлмайди дейишга асос бўлиб турипти.

Ленин номли, «Победа» колхозлари, 1-2-«Далварзин», «Чаноқ» совхозлари ҳақида ҳам худди шундай мулоҳаза қилиш керак. Бу хўжаликлар ўтган йили картошка, сабзавот ва полиз экинларига жуда ёмон эътибор беришган. Оқибатда экин майдони ҳам, ҳосилдорлик ҳам ниҳоят даражада камайиб кетган эди. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамон ўтган йилги кайфиятда юриптилар. Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети, область партия комитети картошка, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотларини кескин кўпайтириш тўғрисида бир қанча муҳим тадбирлар белгилаганларига қарамай, Бекобод районидаги колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу муҳим ишга ўтакетган беғамлик билан қарамоқдалар. Шаҳар партия комитетининг секретарлари И. Хусниддинов, Г. И. Кресов, Қ. Ўрмонов, райижроком раиси Т. Абдуллаев ўртоқлар эса бундай ноқулай аҳволни кўрабила туриб, келишувчилик, масъулиятсизлик қилмоқдалар. Сабзавотчилик масаласига муносабат ҳамон илгаригидай қолиб кетмоқда. Шу ҳам иш бўлдими?

С. СУЛТОНОВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«Фарҳод» совхози 5-бўлимининг пахтакорлари бу йил 1530 гектар қўриқ ва бўз ерларга чигит экиб, пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилишган. Улар чигит экиш ишини совхозда биринчилар қаторида бошлаб юборган эдилар. Ҳозир мавжуд техника дала ишларига тайёрланмоқда. Суратда: энг яхши слесарлардан (чапдан) А. Ушаков ва Р. Нургалиев ўртоқлар культиваторларни тракторларга тиркаш ишини тамомлаётирлар.
А. Палехов фотоси.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК НОВАТОРЛАРИ КЕНГАШИ

АЪЗОЛАРИ МАСЛАҲАТ БЕРАДИЛАР

ҒЎЗАНИ КЎНДАЛАНГИГА ҚАНДАЙ ҚИРҚИШ КЕРАК?

Баъзи кишилар, бир неча йиллардан бери ғўзани кўндаланга қирқиб ўрганиб қолганмиз. унинг нима қийинчилиги бор, жуда оддий иш-ку, деб айтишлари мумкин. Бу ишга шундай енгил-елпи қараш мумкин эмас. Ғўзани кўндаланга қирқишдан мақсад уни кетмонсиз парвариш қилишга мослаш, пахтанинг таннархини камайтириш, шу билан бирга пландаги ҳосилни етиштириш учун ҳар гектар ерга белгиланган миқдордаги кўчатнинг бўлишига эришишдир Ғўзани палапартиш, етарли тайёрликсиз кўндаланга қирқиб, бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Ўрта Чирчиқ районидаги қишлоқ хўжалик новаторлари кенгашининг олтинчи йиғилиши мана шу муҳим масалани муҳокама қилди. Техника фанлари кандидати ўртоқ В. А. Сергеенко «Ғўзани кўндаланга қандай қирқиш керак?» деган темала «Ленин йўли» колхозининг Қўшбой Бекназаров бошлиқ бригадаси даласида амалий машғулот ўтказди. Ўртоқ Сергеенко ғўзани кўндаланга қирқишда энг муҳим бўлган икки масала: 1-техникани созлаш, 2-ғўзани кўндаланга қирқиш учун энг олдин нима қилиш кераклиги ҳақида гапирди ва уни амалий равишда кўрсатиб берди.

Маълумки, кўп жойларда ғўзани кўндаланга қирқишдан олдин техникани созлашга унинг ишчи органларини яхши ўрнатишга етарли эътибор берилмас эди. Шунинг натижасида қатор оралари бир хил бўлиб чиқмас, кўп кўчатлар қирқилиб кетар эди.

Новаторлар кенгаши йиғилишини ўтказишдан мақсад юқоридаги илгари йўл қўйилиб келинган хатоларни бу йил такрорламаслик учун курашдир. Шунингдек, ғўзани кўндаланга қирқишни асл мақсадга, яъни пахта ҳосилини оширишга қаратилган ҳолда ўтказишга эришишдир Ўртоқ Сергеенко ғўзани кўндаланга қирқиш учун энг олдин жуда текис майдончада тракторни махсус ўлчов билан қандай созлаш усулини кўрсатди.

Сўнгра ўртоқ Сергеенко ғўза кўндаланга қирқилганда қайси схемада (60×60, 60×50, 50×50) бўлса ҳам, кўчат қолдириладиган жойнинг оралиғи 15 сантиметр кенгликда бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Ғўзани кўндаланга қирқишда ишлатиладиган тиғларни трактор кандай ўрнатиш мақсадга мувофиқлигини, тиғларнинг чуқурлиги 6 сантиметрдан ошмаслигини алоҳида қайд қилиб ўтди. Чунки тиғлар чуқур қўйилса, ғўза атрофидаги ёш ўтлар ва қисман ғўзалар ўлмай, безарар қолади.

— Натижада ғўзанинг томирига ҳаво кирмайдиган бўлиб қолади, бу эса ўсимликка зарар келтиради, — деди у.

Машғулотнинг иккинчи қисмида созланган трактор билан ғўзани кўндаланга қирқиш учун олдин қандай тайёрлик кўрилиши тушунтирилди. Илгари ғўзани кўндаланга қирқиш учун тахминан кўз билан чамалаб, таваккалига иш қилинар эди. Бунинг натижасида кўпгина ғўза кўчаглари нобуд бўларди. Бу йил шундай аҳволга йўл қўйилмаслиги учун махсус асбоб ишлаб чиқарилди. Бу оддий асбобни қўллаб иш қилинса, қаторлар тўғри, квадратлар аниқ қатор оралари бир хил бўлиши таъминланади. Бу асбобнинг номи эқир, узун ва калта қозиқ, каноплардан иборат.

Ғўзани кўндаланга қирқкан вақтда квадратларни тўғри ҳосил қилиш, белгиланган миқдорда кўчатларни сақлаб қолиш, қатор ораларининг бир хилда бўлишига эришиш жуда муҳим иш. Шу жиҳатдан Ўрта Чирчиқ район қишлоқ хўжалик новаторлари кенгаши йиғилишининг бу иши диққатга сазовордир.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ —МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш, ҳар бир хўжалик ички имкониятларидан унумли фойдаланиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишни талаб этди. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган мутахассислар зиммасига ҳам ғоят масъулиятли вазифаларни юклайди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли тупроқшунослик илмий-текшириш институтининг олимлари самарали ишлар олиб бориб, республикамизнинг областлари бўйича тупроқ карталарини тузишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, ҳамма маълумотларни ўз ичига оладиган республика тупроқ картаси тайёрланди. Тупроқ карталари қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида республика ер фондидан фойдаланишни планлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитига қараб районларга ажратиш бобидаги монография ҳам тайёрланди. Бу эса табиий шароити ҳар хил бўлган жойларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг, шу жумладан ғўзанинг сортини ва унинг парвариш қилишдаги табақаланган усулини ажратилган районларга қараб қўллаш имконини беради.

Деҳқончилик маданиятини янада кўтаришдаги зарур тадбирлардан бири — ҳар бир колхоз ҳамда совхоз ерининг хусусиятлари ва сифатларини аниқ белгилаб олишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқида бу масалага алоҳида эътибор бериб, «Ердан фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатиш ва бу тартибни амалга оширишда агрономлар, бригадирлар ва бошқа ходимларнинг қатъий жавобгарлигини белгилаш лозим. **Ҳар бир колхозда ва совхозда ернинг хусусиятлари, сифатлари кўрсатилган карта бўлиши керак»** деган эди.

Институтимиз ҳузуридаги республика тупроқ экспедицияси икки йилдан бери Тошкент ва Андижон областларидаги колхоз ва совхоз ерларининг сифатини ошириш мақсадида тупроқ карталарини тузиш билан шуғулланмоқда. Яқин бир-икки ой ичида Тошкент областининг баъзи районларидаги колхоз ва совхозлар ана шундай карталарга эга бўлади.

Тупроқ картаси хўжаликдаги агрономия тадбирлари системасини амалий асосда ишлаб чиқиш негизи ҳисобланади. У ҳосилни аниқроқ белгилаш, хўжаликни ўғитларга, сувга, ёнилги материалларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш, мелиоратив тадбирлар ва бошқа ишларни амалга оширишда сарф қилинадиган харажатларни бригадалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва уларни тўғри уюштириш имконини беради.

Тупроқ унумдорлигини пасайтиришга олиб келадиган эрозия ҳодисасини, яъни экинзорларни суғориш натижасида, баҳорикор ерларнинг эса ёғин сувлари билан ювилиши ва шамол таъсирида тупроқнинг унумдор қатламларининг кўчишини ўрганиш ва унга қарши кураш чораларини кўриш проблемаси ҳам институтимиз олиб бораётган муҳим тадқиқотлардан биридир. Тупроқ эрозияси суғориб деҳқончилик қилинадиган кўпчилик районларда маълум даражада учрайди. Бу ҳодиса ғўза кўсагининг тўлиқ бўлишига, совуқ тушганда ҳосилнинг камайиб кетишига таъсир қилади. Пахта толаси сифатининг пасайишига ҳам унинг озми-кўпми таъсири бор.

Ерларнинг унумдорлигини оширишда тупроқ структурасини ҳолатига келтириш муҳим аҳамиятга эга. Республикамиз тупроқлари, хусусан бўз тупроқлар чириндига бой эмас. Шунинг учун ҳам бундай ерларда кўчат униб чиқиши олдидан пайдо бўладиган қатқалоққа қарши кураш олиб боришга тўғри келади. Кейинги икки йил мобайнида хомашёдан тайёрланган препаратлар ёрдамида сунъий структура ҳосил қилиш тажрибада синаб кўрилди. Тажриба шуни кўрсатдики, ерга солинган препаратлар тупроқ структурасини яхшилаш билан бирга, сувни тежаб сарфлашга, суғоргандан кейин ернинг қатқалоқ бўлиб қолмаслигига, ғўза кўсагининг тўлиқ бўлишига ҳамда пахта ҳосилининг ошишига ижобий ёрдам беради. Ҳозир бу соҳадаги тадқиқотлар Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози далаларида синаб кўрилмоқда.

Шу кунларда бир группа олимлар Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш ва суғориш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилиш соҳасида самарали иш олиб боришаяпти. Чунончи, профессор Б. Федоров раҳбарлик қилаётган ходимлар группаси Жанубий Мирзачўл канали орқали суғориб ўзлаштириладиган ерларда ташкил топган 4, 5 ва 6-пахтачилик совхозларига амалий ёрдам бериш мақсадида шўрхок ва кучли шўрланган ерларнинг шўрини йўқотишда янги усулни синаб кўрмоқда. Тупроқ шўрини йўқотишда тузларни тупроқнинг қуйи қисмига тушириш ва шўр сувларни (сизотни) зовурлар орқали чиқариб юбориш усули ўрнига тупроқдаги шўрларни ювиб йўқотиш методи қўлланилмоқда. Эндиликда тупроқ қаватидаги тузлар унинг сиртига кўтарилишига эришиш, сўнгра кўп миқдорда тўпланган тузларни ювиш методи жуда қўл келмоқда. Бу усул одатда ер ости сувлари унча чуқур бўлмаган шўрхок ва кучли шўрланган ерларни ювишда қўлланилади.

Институтимизнинг бир группа олимлари эса мелиоратив ҳолати анча оғир бўлган Мирзачўлнинг Шўрўзак массивида тажриба ишлари олиб боришмоқда. Бу зонадаги шўрларни кетказишда тупроқ қатлами орасида йиғилган шўр сувлар ҳаракати бошқача бўлади. Юқоридан пастга қараб бўладиган ҳаракат ўрнига сизот сувларининг силжиши тупроқ қатламининг ён томонига қараб оқади. Бу усул билан шўр ерларни ювганда ўсимликка зарарли бўлган тузларни экин майдонидан зовурларга чиқариб юбориш имкони туғилади. Бу усулнинг яна бир афзал томони шундаки, ер 4—5 метргача қалинликдаги қатлам тузлардан тозаланади.

Мирзачўлни ўзлаштириш соҳасидаги ишлар миқёси йил сайин кенгайиб бормоқда. Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, тупроқларнинг агрофизик хоссаларини ўрганиш масаласи ҳам характерлидир.

Ирригация ва мелиорация шохобчалари ҳамда иншоотларини эксплуатация қилиш, суғорилаётган ерлардаги тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланган тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, суғориш режимини аниқлаш ва маълум даражада тупроқ хилларига қараб агротехника комплексини белгилаш каби масалаларга бундан кейин ҳам жиддий эътибор берамиз. Шунингдек, Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятини янги босқичга кўтариш учун тупроқшунослик фанининг истиқболини белгилаш соҳасида самарали иш олиб борамиз.

М. УМАРОВ,
Тупроқшунослик илмий-текшириш институтининг директори, биология фанлари кандидати.

Зўр шижоат билан

Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхоз пахтакорлари ўз далаларига баҳор нафаси кириб келиши билан дала ишларини авж олдириб юборган эдилар. Айниқса, коммунист ўртоқ У. Хасанова бошлиқ бригада аъзолари дала ишларини уюштиришда намуна бўлмоқдалар.

— Бу йил, — дейди ўртоқ У. Хасанова, — бригадамиз бўйича 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириб, партия XXII съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга қатъий аҳд қилдик.

Меҳнатсевар механизатор Муҳиддин Обидов бошқараётган экипаж аъзолари чигит экишда ҳам, ғўза парвариши бошланган ҳозирги кунларда ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлаётирлар.

Раҳима Баҳовиддинова бошчилик қилаётган звено пахтакорларидан А. Акбаров, С. Қурбонова ўртоқлар кунлик топшириқларини бир ярим-икки ҳисса қилиб бажармоқдалар.

Бу йил мавсумда етиштирилган мўл пахта ҳосилининг деярли ҳаммаси машиналар ёрдами билан териб олинади. Бригада бошлиғи Умри Хасанова механик-ҳайдовчилар курсини тамомлаб келган. У бу йил ўз машинаси бункеридан 200 тонна пахта тўкишга сўз берди.

Н. БАРКАШЕВ,
А. ИСКАНДАРОВ.

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙСИН!

(Қишлоқ мухбирлари хатларидан)

<>

Областимиз илғор чорвадорлари етти йилликнинг учинчи йилида жамоат чорвачилигининг барча тармоқларини кескин юксалтириб, аҳоли жон бошига етиштириладиган гўшт, сут, тухум маҳсулотларининг мўл-кўллигини таъминлашга астойдил бел боғлаганлар. Қатор илғор хўжаликларда дастлабки ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ана шундай ютуқларга эришаётган чорвадорлар ҳақида жойлардаги қишлоқ мухбирларимиздан хушхабарлар келиб турибди.

Мана, қўлимизда ўрта чирчиқлик **П. Тожиев, И. Исматуллаев, Н. Маматқулов, Ж Холматов, К. Ражабова** ва **Ш. Содиқов** ўртоқларнинг хатлари. Уларни ўқиб шундай хулосага келдик: Куйбишев номли колхоз сут-товар фермасида меҳнат қилаётган Н. Хўжамбердиева сут соғувчилик соҳасида катта ютуқларни қўлга киргизиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлаётир. У бу йил ўзига биркитилган сигирларнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 4000 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Бу — ўтган йилгидан 1200 килограммдан кўп сут деган сўз. Унинг мусобақадошлари М. Рагинова, А. Тошпўлатов ўртоқлар ҳам кўплаб сут соғиб олишга муваффақ бўлаётирлар.

Бу колхозда чорва моллари учун мўл озуқа базаси яратиш мақсадида 80 гектар ер маккажўхори экиш учун ажратилган эди. Маккажўхорикорлар ҳар бир гектар майдонга экилган экиндан 1000 центнердан кўкпоя олиш учун қизғин тайёргарлик кўраётирлар.

Райондаги «Ленин йўли» колхози аъзолари бу йил 85 гектар ерга аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар ёрдами билан маккажўхори экаётирлар. Хозир дастлаб экилган 25 гектар ердаги маккажўхори бир текис униб чиқди. «Полярная звезда» колхозининг Ш. Петрова, Пак Ландина сингари сут соғувчилари ва Э. Алтаев, Р. Содиқов, У. Трушев каби молбоқарлари ҳамда товуқбоқари Цой Лев ўртоқлар шу кунларда ғайрат билан меҳнат қилаётирлар.

Бўстонлиқлик мухбиримиз **П. Самбетов**нинг хабар қилишича «Хўжакент» совхозига қарашли Чахчам участкасида 6500 бош қўй боқилаётир. Шу кунларда совхознинг У. Боботоев, Д. Серикбоев, И. Қуттибоев каби чўпонлари ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда 2,7 килограмм жун олишга ҳамда уларнинг тирик вазнини 60 килограммданга етказиш ва ҳар юз бош совлиқдан 125 тага етказиб қўзи олиш учун ҳаракат қилаётирлар. Чиноэлик актив мухбирларимиздан **Й. Ўринбоев** ва **Т. Имомов** ўртоқлар Киров номли колхознинг чўпонлари ҳақида хабар қилишган. Колхознинг илғор чўпонларидан **Э. Пейсенов, Қ. Бахтаруз**ов, Қ. Бердиқулов ўртоқлар 1960 йилда ўз боқимларидаги ҳар юз бош совлиқдан 115—120 тага етказиб қўзи олган эдилар. Улар шу кунларда совлиқлардан олинадиган қўзилар сонини 125 тадан ҳам ошириб юборишга астойдил ҳаракат қилаётирлар.

Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозида маккажўхорикорликка алоҳида эътибор берилаётир. Шу кунгача 120 гектар ерга маккажўхори, 38 гектар ерга эса маккажўхори беда билан аралаштириб экилди. Колхоз маккажўхорикорлари бу йил гектаридан пландаги 400 ўрнига 650 центнердан кўкпоя йиғиб олишга ҳаракат қилаётирлар. Шунингдек райондаги Навоий номли колхознинг илғор сут соғувчиси М. Саидрасулова боқимидаги ҳар бир соғин сигирдан 4811 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Мухбирлардан **С. Мирзалиев** ва **Б. Алиматов** ўртоқлар ана шулар ҳақида ёзиб юборишган.

Бекободлик мухбирларимиздан **Т. Умурзоқов, Э. Турсунбоев** ва **Х. Холмирзаев** ўртоқлар Ленин номли колхознинг ўртоқ Р. Раҳмонов бошчилик қилаётган сўчқачилик фермаси коллективининг ишлари ҳақида ҳамда Навоий номли колхоз маккажўхорикорлари ҳақида ёзиб юборганлар. Ленин номли колхознинг М. Машина, В. Дробина, О. Доценко ва А. Усмонов сингари илғор чўчқабоқарлари бу йил давлатга 500 центнер чўчқа гўшти сотиш, 29 бош она чўчқадан 348 та бола олиш ҳамда чўчкаларнинг наслдорлигини яхшилаш учун тинмай меҳнат қилаётирлар.

Ўртоқ **С. Мустафоев, З. Абдурахмонов** ўртоқларнинг Оққўрғондан хабар қилишича Ворошилов номли колхознинг илғор сўпони Ж. Бўрибоев 360 совлиқдан 450 та қўзи олиш мажбуриятини олган. У фидокорона меҳнати туфайли шу кунгача 200 та қўзи олишга муваффақ бўлди. Артелнинг сут соғувчиси М. Ткачева ўзига биркитилган 20 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3300 килограммдан сут соғиб олиш учун астойдил ҳаракат қилаётир. Қуйи чирчиқлик актив мухбиримиз **Қ. Першеев** райондаги 2-«Ўзсеменовод» совхозида ўрдак ва товуқ жўжаларини очириб чиқарадиган инкубатор қурилиб ишга туширилганлигини хабар қилган.

Ўртоқ **Х. Ҳалилов**нинг Гулистондан хабар қилишича «Октябрь» колхозининг сут-товар фермасида меҳнат қилаётган Х. Сулаймонов, А. Комендонская, М. Удовитенко, Л. Красильникова ва А. Николаева сингари сут соғувчилари ҳар бир сигирдан 2300—3000 килограммдан сут соғиб олишга ҳаракат қилаётирлар.

Қишлоқ мухбирларимиздан **М. Элибоев, Т. Хушназаров, З. Худойқулов, Т. Солиев, А. Кўчаров** ва **Р. Отахонов** ўртоқларнинг хатларида ҳам илғор чорвадорлар, маккажўхорикорлар, парранда чилар ҳамда чўчқабоқарларнинг амалга ошираётган ишлари ва эришаётган ютуқлари ҳақида батафсил гапирилган.

НОВАТОР АГРОНОМ

Бу воқеа 1958 йилнинг кузида рўй берди Колхоз бригадири — агроном ўртоқ Мажид ака Шукуров пахта далаларини айланиб юрар экан, бир туп ғўзага кўзи тушиб қолди. Бу ғўза «144-Ф» нав чигитдан етишган ғўза тупидан бутунлай фарқ қиларди Унда 40 донага яқин кўсак бор. Шундан 28 таси очилиб, териб ҳам олинибди.

Мажид ака бу ғўза тупига алоҳида аҳамият бериб, уни кузата бошлади. Чигитни олиб, ўз томорқасига экди. Икки йил ичида бу янги нав пахта уруғини кўпайтириб, 40 килограммга етказди.

Агрономнинг хизмати туфайли парвариш қилиниб, вояга етказилган бу янги нав пахта кўп афзалликларга эга эди. Унинг туплари ихчам, бақувват, шохлари калта бўлиб, «108-Ф» пахтасига қараганда 15—20 кун илгари етилади ва ҳамма кўсаклари бир вақтнинг ўзида очилади, барги кам, йирик бўлади.

Бу уруғликдан ўсган ғўза

пахтаси пишиб етилганида ғўза барглари табиий тўкилади. Унинг тупи ихчам ва тикка ўсганлиги туфайли ҳосилини машинада териш осон бўлади.

Янги нав пахтанинг яна бир яхши томони шундаки, у сувсизликка чидамлидир. Ҳар гектар ердан 39—40 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Колхоз агрономининг ижодкорлиги ва хизмати туфайли яратилган бу янги нав пахтанинг намунаси Москвадаги Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли янги уруғларни текшириш давлат комиссиясига юборилди. Комиссия янги пахта нави ҳақиқатан ҳам афзалликларга эга эканлигини аниқлади ва унга «М. Ш.—Эркин-1» номи берилди ҳамда областимизнинг Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районларидаги пахтакор колхозларда экиб, уруғини кўпайтириш тўғрисида кўрсатма берилди.

Ҳ. ШАРИПОВ,
И. ҚЎЧҚОРБЕКОВ.
Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхози.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ„
3-БЕТ, 5 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

ДОНГДОР СОҲИБКОР

Бугун унинг тўйи. Бунақа тўй киши ҳаётида сира унутилмайдиган бўлиб қолади. У 67 йил қилган тинимсиз меҳнати, ғайрати, ўз касбига бўлган муҳаббати туфайлигина эл-юрт оғзида таъриф-тавсифи кетган халқ соҳибкори бўлди. Ўттизинчи йиллардаёқ ўзбек халқи уни «Бизнинг Мичуринимиз» деб атар эди.

Боғбонлар:

Ризамат билади ниҳол
тилини.
Ҳар йил кўпайтирар мева
хилини.
Бизда зўр Мичурин бўлиб
олган ул.
Ҳар бир қилган иши оламга
маъқул

деб унинг шаънига аталган сатрларни ҳиргойи қилиб юришадиган бўлди.

Ҳа, Ризамат Мусамуҳамедовнинг Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришдаги хизматларини ҳар қанча таърифласанг ҳам оз.

У 12 ёшиданоқ токчилик билан шуғулланиб келади. Ризаматдаги узумчиликка бўлган ихлос ва шу соҳадаги ҳар бир янгиликни жуда тез илиб олиши боғбонлар ва айниқса ўша йиллари Тошкентда ишлаган машҳур агроном И. М. Стекольниковни қойил қолдирарди. Соҳибкор И. Стекольников кўрсатган ёрдам учун ғоят миннатдор.

— Мен у билан 11 йил ишладим. Бу йиллар мен учун катта мактаб бўлди. Ундан ток ўстиришнинг европа усулларини ўргандим,— дейди Ризамат ота.

Р. Мусамуҳамедов Оққовоқ тажриба станцияси (Ризамат ота йигирманчи йилларда шу станцияда ишлайбошлаган)нинг илгариги директори Г. И. Павловнинг номини ҳам ҳурмат билан тилга олади. Унинг кўрсатма ва қимматли маслаҳатларига мувофиқ токзорларни минерал ўғитлар билан ўғитлашнинг тўғри усули, суғоришни ўғитлаш билан бирга олиб бориш каби агросномик тадбирларни амалга ошира бошлаган.

Болалик ва йигитлик чоғлари чор-ночорликда ўтган Ризамат Совет ҳокимияти йилларида ўз билимини ошириш, истеъдодини халққа кўрсатиш имконига эга бўлди. Давлатимиз унинг Ўрта Осиё республикалари ҳамда Арманистон, Молдавия, Қрим, Озарбайжон, Грузия, Астрахань ва бошқа жойларда қўлланилаётган ток ўстириш усуллари билан танишиб чиқишига имкон туғдириб берди.

Унинг токни қалпоқли сим бағазларда ўстириш ва яхшиланган воиш усулини қўлланиш юзасидан ўтказган тажрибалари ҳаммаёққа кенг тарқалди. Ризамат ота ниҳолларни парвариш қилиш ва ўстиришда мичуринча усулларни қўллайди. У тинимсиз изланиш ва бой тажрибасини ишга солиш туфайли ҳар гектар майдонда 500 центнердан ҳам ошириб узум ҳосили етиштиришга эришиб келмоқда. «Токка соя ҳам керак эмас, ҳамсоя ҳам» — Ризамат ота қаерга бормасин, боғбонларга шундай деб уқтиради. Шу сабабли унинг узумлари энг юқори ҳосилли бўлиши билан бирга, бошлари катта, доналари йирик, ширин бўлади.

Мичуринчи соҳибкор токчилик институтида ва республика Қишлоқ хўжалик министрлигида ишлай бошлагандан кейин колхозларда жуда кўп боғдорчилик ва токчилик бўйича тажриба-намуна участкалар ташкил қилди. У, бу боғ ва токзорларни мева хазинасига айлантиришдан ташқари колхозчилар дам оладиган кўнгилочар парк бўлишини ҳам кўзлади. Ризамат ота ўз қўли билан Ўзбекистон ССРнинг турли районларида 1600 гектардан ортиқ ерда ана шундай боғ-парклар барпо қилди.

Ризамат ота 80 ёшга тўлиш



Суратда: Ризамат ота Мусамуҳамедов ўз боғида.

———★ ★———

кунига яна 80 гектарлик боғ барпо этишни кўнглига тугиб қўйган эди. Соҳибкор яқинда ўз қўли билан Калинин районидаги Навоий номли колхозда ток ва мевали дарахт кўчатлари ўтказиб, бу ниятига ҳам етди.

Ризамат ота ўзи камтарлик билан айтишича, олим эмас, лекин олимларнинг ишидан ҳоли эмас. Бу халқ соҳибкори ҳамма вақт илм-фаннинг етук намояндалари билан яқин алоқада ишлайди. Уларнинг маслаҳатларидан ижодий фойдаланади, айни чоқда уларга ўзининг бой тажрибаси билан катта ёрдам беради. Р. Р. Шредер номидаги институтнинг Самарқанд филиали селекционерлари унинг узумчилик соҳасидаги ютуқларини юқори баҳолаб, янги топилган ток навларидан бирига «Ризамат» номини бердилар.

Р. Мусамуҳамедов токчилик соҳасида катта иш олиб бориш билан бир қаторда республикамизнинг хўжалик ва маданий ҳаётида ҳам актив қатнашмоқда. Халқ унга катта ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайлаган. Отанинг кўксида қўш Ленин ордени, қўш Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени бор. Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг Бош комитети уни учта катта олтин медаль, битта кичик олтин медаль ва тўртта бронза медали ҳамда «Победа» енгил автомашинаси билан мукофотлаган. 1952 йилда у Сталин мукофоти лауреати деган юксак номга сазовор бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бу машҳур соҳибкорни 80 ёшга тўлиши муносабати билан Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади.

Ота ҳали ҳам қариликка, чарчаш нималигини билмай меҳнат қилади. Ҳозир у ЎзССР Қишлоқ хўжалик министрлигида колхозларда тажриба алмашиш бўйича етакчи инспектор вазифасида ишлаб турибди.

Бутун умрини халқ хизматига бағишлаб келаётган бу ажойиб соҳибкор республикамизда мевачиликни ривожлантириш ишига ҳали яна кўп йиллар сидқидилдан ҳисса қўшмоқчи.

С. МУСАЕВ.

Анҳор ёнида янги сквер

Собиқ ботаника боғи ўрнида янги сквер бунёдга келтириш учун жадал суръатлар билан ободончилик ишлари олиб борилди.

Умумий майдони 6 гектар бўлган бу сквера меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилди. Сквернинг йўлкалари текисланиб асфальтланди, атрофларига манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Фонтан, ҳовузлар вужудга келтирилиб, савдо павильонлари ҳам қурилди.

Анҳор ёнига жойлашган бу гўзал сквер шаҳарнинг энг кўркам ва обод жойларидан бири бўлиб қолди. Унга шаҳар ижроия комитетининг қарори билан биринчи космонавт Юрий Гагарин номи берилди.

О. САЙДАМИНОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Мухбирни таъқиб қилувчиларга чора кўрилди

Қишлоқ мухбиримиз ўртоқ О. Эшонқулов редакцияга хат ёзиб, уни Пискент район ижроия комитети милиция бўлимининг бошлиғи В. Асилов ва бўлим ходими Т. Жалиловлар кечқурун соат 10 да милиция бўлимига чақириб, асоссиз равишда кечаси соат 3 гача ушлаб тургани, мухбирнинг газетага ёзган мақолаларини қўлидан олиб қолганликлари тўғрисида шикоят қилган эди.

Шикоят область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасига юборилиб текширтирилганда, унда келтирилган фактлар тасдиқланган.

Бошқарма бошлиғи ўртоқ М. Шералиевнинг редакцияга маълум қилишича, текшириш натижалари Пискент район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинган. Асилов ва Жалиловларнинг қишлоқ мухбирига нисбатан қилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари қаттиқ қораланган ва уларга партиявий чора кўрилган.

Тошкент оқшомлари

АСПИРАНТЛАР ШАҲАРЧАСИ

Республикамизнинг ёш олимлари баҳор байрами кунларида ажойиб совға олдилар: Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмида республикада биринчи бўлган аспирантлар ётоқхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ерни аспирантлар шаҳарчаси деса бўлади. Чунки унда яхши дам олиб, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратилди.

Атрофи гулзор билан ўралган тўртқаватли ҳашаматли бинонинг ичида 128 хона бор. Бу хоналарга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 250 аспиранти жойлашади. Бинода машғулотлар ўтказиш учун ўқиш зали ва асосий кутубхонанинг филиали учун алоҳида хоналар бор.

Рассомларнинг ўқувчиларга совғаси

Республика рассомларидан бир группаси яқинда Тошкентдаги 2-мактаб-интернатда меҳмон бўлишди. Улар бахтиёр болаларга ўз ижодлари ва келгусига мўлжалланган режалари тўғрисида сўзлаб беришди. Меҳмонлар ўз кичик дўстларига ажойиб асарларидан бир нечасини совға қилиб қолдиришди.

Пионер ва ўқувчилар ана шу совғалар асосида алоҳида хонада тасвирий санъат галереяси ташкил этишди. Галереяда рассомлардан В. Уфимцевнинг «Имтиҳон олдидан», «Ленин мавзолейида», К. Чепраковнинг «Балиқчи», В. Жмакин ва В. Соседовларнинг Оҳангарон шахтёрлари ҳақидаги портрет ва картиналари ҳамда А. Абдуллаев ва В. Кайдаловларнинг бир қанча асарларини кўриш мумкин. Мактаб-интернатга совға қилинган 50 дан ортиқ асар ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади.

Кинотеатр контролёрсиз ишламоқда

Ленинграддаги «Титан» кинотеатри коллективидан намуна олган «Комсомол 30 йиллиги» кинотеатри ҳам пойтахтимизда биринчи бўлиб контролёрсиз ишлашга кўчди.

Тамошабинлар кассадан билетни сотиб олиб, залга киравершда билетнинг контроль талонини ўзлари йиртиб махсус тайёрланган ящикка ташлайдилар. Сўнгра тамоша залига кириб, ўзларига ажратилган жойни эгаллайдилар.

Кинотеатрнинг контролёрсиз ишлашга кўчиши тамошабинларга катта қулайликлар туғдирди. Кинотеатр коллективи (директори ўртоқ А. Оқилов) меҳнаткашларга кино хизмати кўрсатишни тобора яхшиламоқда. Илгарилари контролер бўлиб ишлаган ходимлар эндиликда олий ўқув юртлари ва саноат корхоналарида олдиндан кинофильмларга билет сотишни амалга оширмоқдалар.

Халқаро аҳвол

ЮРИЙ ГАГАРИН ПАРИЖГА ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

ПАРИЖ, 3 май. (ТАСС). Париждаги 24-авиация виставкасининг ташкилотчилари жаҳонда биринчи космонавт майор Ю. А. Гагаринни шу виставкани келиб кўришга таклиф этдилар. Виставка 27 майда очилади.

НЕО ЛАО ХАК САТ ҚУРОЛЛИ ҚУЧЛАРИ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ, 3 май. (ТАСС). Нео Лао Хак Сат қуролли кучлари олий қўмондонлиги, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги, Лаос король қўшинлари бош қўмондони, капитан Конг Ленинг таклифига жавобан 3 майда Лаос вақти билан эрталаб соат 8 дан бошлаб уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида бугун эрталаб ўз ҳарбий отрядларига буйруқ берди.

«Патет-Лао овози» радиостанцияси қуйидагиларни эшиттирди: Нео Лао Хак Сат қуролли кучлари бош қўмондони Кхамтай Сифандон ўз баёнотида Нео Лао Хак Сат қуролли кучлари делегацияси 1961 йил 30 апрелда На-Монга келди. Делегация ўт очишни тўхтатиш ва яраш битими тузиш шартлари тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келиш мақсадида Лаосдаги манфаатдор томонлар кенгашида қатнашишга ғайёрдир. Аммо Фуми Носаван — Бун-Ум группаси бош министр шаҳзода Суванна Фума бошчилигидаги Лаос король ҳукуматининг таклифини қасддан рад этди. Ана шу сабабларга кўра, манфаатдор партиялар ўртасида музокара олиб бориш ва Лаосда ўт очишни тўхтатиш кечиктирилди. Лекин шунга қарамай, Нео Лао Хак Сат қуролли кучлари яхши ниятда эканликларини доим қайд қилиб, Женева кенгаши икки раисининг мурожаатини тезликда амалга ошириш мақсадини кўзда тутиб, раис шаҳзода Суфанувонг бошчилигидаги Нео Лао Хак Сат партияси марказий комитетининг қўлланмасини амалга ошириш ниятида 1961 йил 3 майда Лаос вақти билан эрталаб соат 8 дан бошлаб барча уруш ҳаракатларини тўхтатадилар.

Бизнинг ватанпарвар армиямиз ва халқимиз, дейилади баёнотнинг охирида, кўпгина катта ғалабаларга эришди. Аммо биз сира ҳам тобе бўлмаслигимиз керак. Бунинг аксича, биз ҳушёрлигимизни кучайтиришимиз, ўз позициямизда қаттиқ туришимиз ва бошқа томоннинг ҳар қандай иғволаригa зарба бериш учун шайланиб туришимиз керак.

ЛАОС ҲУКУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

ХАНОЙ, 3 май. (ТАСС). Сиенг-Куанг вилоятида Лаос король ҳукумати министрлар советининг мажлиси бўлиб ўтди.

Министрлар советининг мажлисида бош министр шаҳзода Суванна Фума нутқ сўзлади. У, Осиё ва Европа мамлакатларига қилган сафарининг якунлари тўғрисида министрларга сўзлаб берди. У, социалистик мамлакатларнинг ва биринчи галда Совет Иттифоқи, Хитой ва Вьетнам Демократик Республикасининг Лаос халқига беғараз ёрдам бериб, уни қўллаб-қувватлаётганликларини алоҳида таъкидлади.

«Лаос овози» радиоси шу тўғрида хабар бериб, министрлар советининг мажлисида Сиенг-Куанг вилоятида Лаосниинг янги пойтахтини барпо қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини ўқтириб ўтади.

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕРЛАРНИНГ ЯНА БИР БОШЛИҒИ ҚЎЛГА ТУШДИ

ГАВАНА, 4 май. (ТАСС). 2 майда Плайе-Хирондан 18 километр нарида (империалистларга ёлланган кишилар 17 апрелда шу ерга туширилган эди) контрреволюционерларнинг бошлиқларидан яна бири Мануэль Артиме қўлга олинди. Артиме илгари Куба қўзғолончи армиясининг офицери ва Ориенте вилоятидаги ер ислоҳоти миллий институтининг масъул ҳодимларидан бири эди. Артиме армия сафидан қочган ва давлатнинг жуда кўп пулини олиб Кубадан чиқиб кетган эди.

Артиме ҳозир бугун дунёга маълум бўлиб қолган ҳақиқатни, яъни Кубага интервенция АҚШдаги ҳукумат маъмурларининг раҳбарлигида тайёрлаганлиги ва бу интервенция амалга оширилганлигини тасдиқлади.

2 майда Артимедан ташқари интервенция қатнашчиларидан яна 21 киши асир олинди.

КУБАГА ҚАРШИ ИҒВОЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ГАВАНА, 4 май. (ТАСС). «Революсьон» газетасининг мухбири Гуантамано шаҳридан хабар қилади: Кейинги кунларда ўша ерда жойлашган Америка ҳарбий денгиз базасида катта саросималик ҳукм сурмоқда. Янгидан-янги ҳарбий кемалар ва самолётлар базага келиб турибди. Яқинда денгиз десантларини туширишга ва маневрлар ўтказилди.

СОВЕТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 4 май. (ТАСС). Америка газета редакторлари жамияти билан делегациялар айирбошлаш тартибида совет журналистлари делегацияси бугун самолётда АҚШга жўнаб кетди. Делегацияга СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретари Б. С. Бурков бошчилик қилмоқда. Делегация составида «Правда», «Известия», ТАСС, «Красная звезда», «Труд» газеталарининг, «Советская печать», «Коммунист», «За рубежом» журналларининг вакиллари бор.

ЛАОСДА ЎТ ОЧИШ ТЎХТАТИЛДИ

ЛОНДОН, 4 май. (ТАСС). Вьентьяндан олинган хабарларга қараганда, Лаос исёнчиларн ҳукуматнинг ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги таклифига розилик билдирганлар ва исёнчилар қўшинларининг қўмондони генерал Носаван ўт очишни тўхтатиш тўғрисида кеча ўз қўшинларига буйруқ берган.

АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Юнайтед Пресс интернейшнл агентлигининг хабар беришича, давлат департаменти «ўт очиш ҳақиқатан ҳам тўхтатилган тақдирда» Лаос масаласи юзасидан Женевада 12 майда очиладиган халқаро кенгашда АҚШнинг қатнашишга тайёр эканлигини эълон қилган.

СОТҚИНГА ЁРДАМ БЕРМОҚДАЛАР

ЛОНДОН, 4 май. (ТАСС). Англия ҳукумати Конго халқига хиёнат қилган Чомбега ёрдам беришга уринмоқда. Кеча кечқурун умум палатасида Конгодаги аҳвол муҳокама қилинган пайтда бу нарса маълум бўлиб қолди.

Мухрдор лорд Хигнинг айтишича, Буюк Британия ҳукумати Чомбени озод қилиш ниятида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат қилмоқчи.

Маълумки, Катанга сепаратчиларининг бошлиғи Чомбе ҳозирги вақтда Кокийавиль шаҳрида мобутучи парашютчилар томонидан «ўз уйига қамаб қўйилган».

ЧЕТ ЭЛ КАСАБА СОЮЗ АРБОБЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Москвада Биринчи май тантаналарида қатнашган Корея Халқ Демократик Республикаси, Ҳиндистон ва Бирма касаба союз арбоблари Тошкентга келдилар.

Меҳмонлар 4 майда Янгиерга бориб, Мирзачўлни ўзлаштираётган кишилар билан учрашдилар.

Чет эл касаба союз арбоблари республика меҳнаткашларининг ҳаёти билан, Ўзбекистон касаба союз ташкилотларининг фаолияти билан ҳар томонлама танишиб чиқадилар. (ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Бугун Тошкентдаги А. Навоий номли опера ва балет театри биносида матбуот ходимларининг Матбуот кунига бағишлаб партия ва жамоат ташкилотлари иштироки билан тантанали йиғилиши бўлади. Йиғилиш кеч соат 7 да бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевизор экранида

5 МАЙДА

19.00. «Қувноқ шаҳарча», «Король қуёнлари» — болалар учун мультфильм.

19.30. «Кўча учрашувлари» — киноновелла.

19.50. Телевизион янгиликлар.

20.10. Рус тилида комментатор суҳбати.

20.25. «Бир минутнинг қиммати» — киноҳикоя.

20.35. Ўзбек тилида «Газета саҳифаларини варақлаганда» деган киноочерк.

20.55. Матбуот ходимларининг талабларига мувофиқ концерт.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/V да **Сўна** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/V да **Фурқат**, 6/V да **Ганг дарёсининг қизи**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/V да **Зарафшон қизи**, 6/V да **Ошиқ Ғариб**.

Қишки кинотеатрларда:

Яна тонг отди — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Келгуси баҳоргача — «МИР», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 8 гача).

Қизил снёх — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) «ИСКРА» (кеч соат 8 дан).

Кишн суратини мен чизганман — НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да).

Роман ва Франческа — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Хайр, каптарлар — «ЁШ ГВАРДИЯ» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Индамаслар қишлоғи — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ёзги кинотеатрларда:

Келгуси баҳоргача — НАВОИЙ номли (кеч соат 9 ва 10 яримда).

Яна тонг отди — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда).

Довулдан кучли — КАФАНОВ номли (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда).

Стублен липа дарахтлари — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда).

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 7 майда ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ БИРИНЧИ

спартакиадасининг

ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Программада: спартакиадада қатнашувчи спортчилар ва Тошкент вакилларининг паради, «Ёш куч», «СКА», Физкультура институти спортчиларининг оммавий гимнастика ўйинлари, енгил атлетикадан спартакиада программаси бўйича финал мусобақалар, «Химик» (Чирчиқ) — «СКА» (Тошкент) командалари ўртасида футбол.

Кеч соат 6 да бошланади. Таклиф билетлари билан кирилади.

Ўзбекистон спорт жамнятлари ва ташкилотлари союзи советн.

НАВОИЙ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

6 майдан ҳар шанба куни ўзбек тилида

АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА кинолекторийси

ИШЛАИ БОШЛАЙДИ.

Кинолекторийда кеч соат 8 дан лекция ўқилади, кеч соат 8-40 минутдан бадиий фильм кўрсатилади.

Кинолекторийни келиб кўринг!

СЬЕРРА-ЛЕОНЕ

(ҚИСҚАЧА СПРАВКА)

«Африкадан доимо қандайдир янгилик эшитилади», — деб ёзган эди қадимги рим ёзувчиси ва олими катта Пليний. Бу жумланинг мазмуни ҳеч қачон ҳозирги кундагидек актуал бўлмаган эди. Бу тасодифий ҳол эмас, албатта.

1960 йилнинг охирига келиб, Африка қитъасининг 75 процент аҳолиси ва территориясининг 60 проценти мустамлакачиларнинг сиёсий қарамлигидан қутилди. 1961 йил 27 апрелда Ғарбий Африкадаги Англиянинг Сьерра-Леоне мустамлакаси мустақилликка эришди.

27 апрель куни мамлакатнинг пойтахти Фритаунда Сьерра-Леоне республикасининг миллий байроғи қўтарилди. Сьерра-Леоне халқининг мустақилликка эришган кунини нишонлаш учун 65 мамлакат вакиллари, шу жумладан Совет Иттифоқининг ҳам вакили қатнашмоқда.

Бу территория тўғрисида биринчи ёзма маълумотни 1462 йилда португалиялик Педро да Синтра берган эди. У ҳозир мамлакатнинг пойтахти — Фритаун жойлашган тоғли ярим оролга Сьерра-Леоне деб ном берган.

Сьерра-Леоне деган сўз «Жала ёғадиган тоғ» ёки «Арслон тоғи» деган маънони англатади. Педро да Синтра ҳақиқатан ҳам ёмғирнинг кўп ёғишига қараб, ёки денгиздан қараганда тоғнинг тузилиши арслоннинг кўринишини эслатгани учун ҳам бу номни кўйган. Кейинчалик бу ном бутун мамлакат территориясига ёйилди.

Англислар Сьерра-Леонени 1787 йилда босиб олдилар.

Мамлакатнинг майдони 72,3 минг кв. км., аҳолиси 2,4 миллион киши (1955 й). Сьерра-Леоне Гвинея ва Либерия республикаси билан чегарадош бўлиб, ғарбий соҳилини Атлантик океани ювиб туради.

Сьерра-Леоне ўз ичига Тассо, Банана, Иорк Шербро оролларини ҳам олади.

Ерости бойликларидан темир рудаси, олмос катта аҳамиятга эга. Темир рудасининг энг катта кони Марампа яқинида, олмос эса мамлакатнинг шарқий қисмида учрайди. 1945 йилда 770 карат оғирлигидаги олмос топилди. Сьерра-Леонеда топилган бу олмос Африкада топилган олмосларнинг энг каттасидир. Бундан ташқари, хромит, марганец рудаси, олтин, симоб, платина, боксит, молибден, корунд учрайди.

Сьерра-Леоне республикаси инглизларнинг 150 йиллик ҳукмронлиги даврида ҳар томонлама таланганлиги учун ҳанузгача қолоқ аграр мамлакат бўлиб қолмоқда.

Мамлакат экспортининг асосини зайтун мойи, ундан кейин какао, ер ёнғоғи ташкил қилади. Сьерра-Леонеда шоли кўп экилади, чунки бу ўсимлик мамлакатда озиқ-овқат учун кўп ишлатилади. Техника экинларидан пахта экилади.

Саноати эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналардан иборат. Мамлакатда 10 дан ошиқ ёғ заводи, 4 та шоли тозалаш, 2 та унча катта бўлмаган совун ва 2 та минерал сув заводлари бор.

Миллий мустақилликка эришиш Сьерра-Леоне халқининг оғир ҳаётини ўзгартириш, моддий фаровонлигини ошириш йўлидаги дастлабки қадамидир.

Сьерра-Леонеда миллий-озодлик ҳаракатини Африка интеллигенциясининг вакиллари амалга оширмоқдалар. Булар 1951 йилда халқ партиясини ташкил қилиб, унга раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Шу партиянинг лидери М. Марган мустақил Сьерра-Леоне мамлакатининг бош министри лавозимига кўтарилди.

Н. С. Хрушчевнинг Сьерра-Леоне бош министри Мильтон Марганга юборган мактубида Совет ҳукумати Сьерра-Леонени мустақил ва суверен давлат деб танийди ҳамда у билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини изҳор қилади.

Ҳ. ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси География бўлимининг илмий ходими.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
4-БЕТ, 5 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00858. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1589.